ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ЁРДАМИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдурасулов Икромжон Эркинович

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат педагогика университети

Бугунги кунда ўқув дастури ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланган ҳолда дарсларга ажратилган соатлар сонини тартибга солади. Фанларнинг ўқув-методик комплекс/мажмуалари ўқитишнинг интерфаол шаклларининг бутун спектрини акс эттиради. Бироқ, улардан таълим жараёнида фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоси ҳали ҳануз долзарблигича қолмоқда.

Интерфаол таълим технологияларини биз ўқув фаолиятининг субъектлари сифатидаги педагог ва таҳсил олувчининг ўзаро муносабатлари ва ўзаро фаолияти жараёнида билимларни ўзлаштириш, малакалар ва кўникмаларни ривожлантириш йўллари деб қараймиз. Уларнинг моҳияти шундаки, улар нафақат идрок, хотира ва эътибор жараёнларига, балки, аввалambор, ижодий ва маҳсулдор фикрлаш, хулқ-атвор ва мулоқотга таянади. Бунда, инновацион таълим муҳитидаги ўқув жараёни талабалар мулоқот қилишни, бир-бирлари ва бошқа одамлар билан ўзаро фолият олиб боришни ўрганишни, танқидий фикрлашни ўрганишни, педагогик вазиятларни, вазиятли касбий вазифаларни ва тегишли маълумотларни таҳлил қилиш асосида мураккаб муаммоларни ҳал қилишни ўрганадиган тарзда ташкил қилинади. Интерфаол таълим технологияларида таълим берувчининг ва таълим олувчиларнинг (таъсир объекти ўрнига ўзаро фаолият субъекти) роли, ҳамда ахборотнинг роли (ахборот мақсад эмас, балки амал/ишлар ва операцияларни ўзлаштириш воситаси) жиддий ўзгаради. Барча интерактив таълим технологиялари тақлид бўлмаган ва тақлидий турларга бўлинади. Таснифлаш асосига касбий педагогик фаолият контекстини қайта тиклаш (тақлид қилиш) белгиси, унинг таълимдаги моделли тақдим этилиши/ифодаси қўйилган. Тақлид бўлмаган технологияларда эса ўрганилаётган ҳодиса ёки фаолиятнинг моделларини қуришни назарда тутилмайди. Тақлид (имитацион) технологиялари асосида тақлид ёки тақлид-ўйин моделлаштириш ётади, яъни ўқитиш шароитларида у ёки бошқа даражадаги тегишлилик/мослик/адекватлик билан реал тизимда содир бўлаётган жараёнларни қайта ишлаб чиқиш/такрорлаш ётади.

Инновацион таълим муҳитида таълимнинг интерфаол шаклларидан фойдаланишнинг самарадорлиги қуйидаги педагогик шарт-шароитларни амалга ошириш билан таъминланади: ўқув жараёнини ташкил этишда диалогик макон яратиш; ўқув ва синфдан ташқари ишларда ўитишнинг ижтимоий-психологик тамойилларидан фойдаланиш; талабаларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий йўналтирилганлигини назорат қилиш; ўқитувчиларнинг талабаларнинг ўқитишнинг ички фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган интферфаол шаклларини қўллашга психологик тайёрлигини ривожлантириш .

ОТМнинг инновацион муҳитида интерфаол ўқитиш/таълимнинг баъзи технологияларини кўриб чиқамиз.

"Муаммоли маъруза" муаммони, муаммоли вазиятни қўйиш ва уларни кейинчалик ҳал қилишни назарда тутади. Муаммоли маърузада реал ҳаётнинг зиддиятлари назарий тушунчаларда ифодаланиши орқали моделлаштирилади. Бундай маърузанинг асосий мақсади талабаларнинг бевосита ва ижобий натижа билан/самарали иштироки билан билим олишидир. Моделлаштирилган муаммолар орасида ўқув материалининг ўзига хос мазмуни билан боғлиқ илмий, ижтимоий, касбий муаммолар бўлиши мумкин.

Муаммони қўйиш (бериш) талабаларни фаол фикрлашга, қўйилган саволга мустақил жавоб беришга уринишга ундайди, баён қилинаётган материалга қизиқиш уйғотади ва талабалар эътиборини фаоллаштиради.

"Баҳс-семиар" (семинар-димпут) муаммони ишончли ечиш йўлларини белгилаш мақсадида уни жамоавий муҳокама қилишни назарда тутади. Баҳс-семинар унинг иштирокчилари ўртасида диалогик мулоқот шаклида ўтказилади. Бу юқори ақлий фаолиятни тақозо этади, мунозара ўтказиш, муаммони муҳокама қилиш, ўз қарашларини ва эътиқодларингизни ҳимоя қилиш, фикрларини қисқа ва аниқ баён қилиш малакасини сингдиради/тарбиялайди. Баҳс-семинарда амал қилувчиларнинг роллари турлича бўлиши мумкин.

"Ўқув муҳокамаси" - муаммоли таълим методларидан бири. У саволга содда ва бир маъноли/аниқ жавоб бериш зарур бўлганда муаммоли вазиятларни таҳлил қилишда қўлланилади ва бунда альтернатив/муқобил жавоблар бўлиши назарда тутилади. Муҳокамага қатнашганларнинг барчасини жалб қилиш учун кооператив ўқитиш (ўқув ҳамкорлиги) методикасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу методика талабаларнинг кичик гуруҳларда биргаликда ишлашлари билан ўзаро ўқитиш/ўрганишга асосланган. Ўқув ҳамкорликнинг асосий ғояси жуда оддий: талабалар ўз интеллектуал саъй-ҳаракатларини муштарак вазифани бажариш ёки умумий мақсадга эришиш учун (масалан, муаммонинг ечимини топиш учун) бирлаштирадилар. Ўқув/таълим хамкорлигида ўқув гуруҳининг ишлаш технологияси қуйидагича бўлиши мумкин:

• муаммони қўйиш.

• кичик гуруҳларни (5-7 кишидан иборат микрогуруҳларни) ривожлантириш , уларда ролларни тақсимлаш, ўқитувчининг мунозарада кутилаётган иштирок ҳақида тушунтиришлари;

• муаммони микрогуруҳларда муҳокама қилиш;

• муҳокама натижаларини бутун ўқув гуруҳига бериш/тақдим этиш;

• муҳокамани давом эттириш ва натижаларни сарҳисоб қилиш/якун ясаш.

"Мия ҳужуми"(ақлий ҳужум) имкон қадар кўпроқ ғояларни тўплаш, талабаларни фикрлаш инерциясидан озод қилиш, ижодий фикрлашни фаоллаштириш, муаммони ҳал қилишда одатий фикрлар кечишини енгиб ўтишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. “Ақлий ҳужум” ўқув гуруҳида янги ғояларни яратиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Ушбу методнинг асосий тамойиллари ва қоидалари иштирокчилар томонидан таклиф қилинган ғояларни танқид қилишни мутлақо тақиқлаш, шунингдек, ҳар хил мулоҳазалар ва ҳатто ҳазилларни рағбатлантиришдан иборатдир.

"Дидактик ўйин" ОТМнинг таълим муҳитида ўқитиш жараёнини фаоллаштиришнинг муҳим педагогик воситаси бщлиб хизмат қилади. Дидактик ўйин жараёнида талаба ўзининг касбий фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган иш/амал/ҳаракатларга ўхшаш иш/амал/ҳаракатларни бажариши керак. Натижада, билимларни тўплаш, янгилаш ва уларни малакаларга айлантириш, шахсий тажрибани тўплаш ва уни ривожлантириш содир бўлади. Дидактик ўйин технологияси уч босқичдан иборат. Дидактик ўйинга жалб этиш, унинг модели бўйича касбий фаолиятни ўйинли ривожлантириш касбнинг тизимли, яхлит ривожланишига ёрдам беради. Лавозим/расмий ролни бажариш билан стажировкадан ўтиш – ўқитишнинг фаол ўқитиш методи бўлиб, унда касбий фаолият соҳаси, воқеликнинг ўзи "модель" сифатида, ва тақлид эса асосан ролни (лавзоимни) бажаришни назардат тутади холос. Стажировканинг асосий шарти реал ишлаб чиқариш шароитида ўқитувчи назорати остида муайян амал/иш/ҳаракатларни бажаришдир.

"Тақлид тренинги" (имитацион тренинг) турли хил техник воситалар ва қурилмалар билан ишлаш учун муайян касбий кўникмалар ва малакаларни машқ қилиб, сайқаллаштиришни назарда тутади. Касбий фаолиятнинг вазияти/ҳолати ва муҳити тақлид қилинади ва техник воситанинг (тренажёрлар, ўлчаш жиҳозлари ва ҳок.) ўзи "модель" сифатида хизмат қилади.

"Ўйин асосида лойиҳалаштириш" амалий машғулот бўлиб, унинг давомида муҳандислик, конструкторлик, технологик, ижтимоий ва бошқа турдаги лойиҳалар воқелик/реал ҳолатни максимал даражада такрорлайдиган ўйин муҳитида ишлаб чиқилади. Ушбу метод таҳсилд олувчиларнинг индивидуал ва биргаликдаги ишларининг юқори даражада бирга келиши/комбинацияси билан тавсифланади. Гуруҳ учун муштарак/умумий лойиҳани яратиш, бир томондан, лойиҳалаштириш жараёни технологиясини билишни, бошқа томондан – касбий масала, муаммоларни ҳал қилиш учун мулоқот қилиш ва шахслараро муносабатларни қўллаб-қувватлаш/сақлаш малакасини талаб қилади.

"Ўқитишнинг компьютер технологиялари" - бу таҳсил олувчига ахборотни компьютер орқали тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш жараёнлари. Бугунги кунга келиб, шундай технологик йўналишлар ривожланмоқдаки. Унда компьютер қуйидаги вазифаларни бажаради:

- билимларни узатиш мақсадида ўқувчиларга ўқув материалини тақдим этиш воситаси;
- қўшимча ахборот/маълумот манбаи сифатида таълим жараёнларини ахборот билан таъминлаш воситаси;
- билимлар даражасини аниқлаш ва ўқув материалининг ўзлаштирилишини назорат қилиш воситаси;
- билимларни амалда қўллаш кўникмаларини галлаш учун универсал тренажёр;
- ўрганиш предмети бўйича ўқув экспериментлари ва ишбилармонлик ўйинларини ўтказиш воситаси;
- таҳсил олувчининг келажакдаги касбий фаолиятидаги энг муҳим элементлардан бири.

Таълимнинг интерфаол шакллари гуманитар фанларни ўқитишда алоҳида рол ўйнайди, бу эса ўз навбатида бўлажак педагогларнинг маданий компетенцияларини ривожлантириш га тизимни шакллантирувчи тарзда таъсир кўрсатади. Гуманитар фанлар блоки фанларининг УМКни ривожлантириш даги роли уларнинг қуйидагиларга ҳисса қўшиши/ёрдам бериши билан шартланади:

- талабаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш;
- билим ва малакаларни қўллашга шахсий тайёрликни ривожлантириш ;
- коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш;
- умуминсоний (гуманистик) қадриятларни ривожлантириш ;
- экологик онгни кенгайтириш;
- психология, педагогик психологияга оид билимларни ўзлаштириш;
- бир умр давомида узлуксиз таълим олиш ва зарур бўлганда қайта ўрганиш қобилияти ва бошқалар.
- **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Baguez M., Labina M. S., Zinovyeva N. M. Differences in academic performance evaluation and funding standards of universities: Italian experience / / educational issues, 2009. № 4. P. 82-106

2. Volkov P.B. in the educational process of information technology // innovative models-the basis of personnel modernization of municipal methodological services of the Russian Federation. Collection of materials of the All-Russian scientific practical conference. - Moscow, 2010.-270-273.P

3. Volkov P. B. Improvement of the system of teaching pedagogical specialties to students in the system of continuing education // modern problems of Science and education. 2016.

4. Zamkov O.O., Peresetsky A.A. Academic achievement of students of the Higher School of economics of the unified state examination and ICEF bakalavriati // applied econometrics. 2013. T. 30. No 2. 93-114.P

5. Ivanova N.L., Popova E.P. The problem of introducing innovations to professionals and university / / education problems. 2017. The No 1. 184-206. P.